

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## МЕНИНГ ЗЕБИ КЕЛИНОЙИМ



**С. АТДА: АЪЗАМХЎЖАЕВЛАР ОНЛАСИ**

Қаранг-а, келин ойи, шунча йил муҳбиринг бўлиб, сиз ҳақингизда энди эзаяпман-а. Узр! Ҳаётни, одамларни кўриб, ўзим ҳам келинойи, қайнона ва буви бўлгач, Сиз ҳақингизда кўпроқ ўйлай ҳақилдам-да!

Қирк саккизинчи йили тоғам Юсуф Аъзамхўжаев билан тўйингиз бўлди.

Юсуф тоғам милицияда ишлардилар. Тоғам қай вақтда ишдан келсалар, сиз ширин табасум-ла пешвоз чиқиб, формаларини ечишга ёрдам бериб, қўлларига сув куйиб, сочиқ тўтардингиз.

Дарвоқе, тўйингиздан бир йил ўтар -ўтмас, Йўлдош тоғамни ҳам уйлантиришди. Шунда Сиз марҳаматингизни дариг тутмай, икки хонали уйни янги келинга бўшатиб бериб, ташки кичкина хоналик уйга кўчиб ўтдингиз. Акмал, Ақром, Аҳам шу уйда туғилишди. Ажабо. Энди эсласам, дол қоламан.

Эҳ, келинойи, сизнинг бебаҳо инсоний фазилатларингиз Пўлатой бувим оёғи оғриб, тўшакка ётиб қол-

ганларида яна бир бор намоён бўлди. Хар куни оғзиларига ёқади-ган таом тутиб, "Зебихон!" дейишлари билан, "Лаббай, ойиҳон!", деб ёнларида пайдо бўлардингиз. Оёқларини уқалаб, эгниларига тоза либослар кийдириб, фариштадай пок тутардингиз. Ха, сиз бувимга олти йил шундай қарадингиз, чурқ этган товушингиз чиқмади.

Дарвоқе, келинойи, сиз ҳаётнинг ачиқ-чучугини ҳам кўрдингиз. Олтишинчи йиллар тоғам қуруқ тўхматга учрадилар. Озодликдан маҳрум этилдилар. Шунда сизнинг сабр-бардошингиз, мустаҳкам иродангиз яна бир бор синовдан ўтди. Уйингиз ёнидаги 42-алоқа бўлимига ишга кириб, рўзгор тебратшига киришдингиз.

Ҳақиқат эгилди, синмади. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, тоғам яна ишга қайтдилар. Биргаликда фарзандларни тарбиялаб, тўй-томошалар қилдингиз. Алоқа бўлимида 35 йил ишлаб, энг илғор, энг аълочи алоқа ходими бўлдингиз, орден-медаллар, унвонлар олдингиз. Тоғам 76 йил умр кўриб, Сиздан мингдан минг рози бўлиб кетдилар.

Тўрт келиндан иккитаси бағрингизда, иккитаси алоҳида уйли-жойли. Сизнинг келинларга ҳам ҳамиша

яхши гапириб, ёнларида юриб, ҳамма ишларига кўмак беришингизга, ёмонини яширишингизга қойилман.

Фарзандларингиз ҳам сизга, тоғамга ўхшаган меҳнатсевар, меҳр-оқибатли.

Мен онамдан айрилганимда сизнинг далдангиз, меҳрингиз билан овундим, қаддимни тикладим. Келинларга муносабатни сиздан ўргандим. Эҳ, барибир сиздек бўлиш, сизга ўхшаш қийин.

Хуллас, сизни мана 52 йилдан бери бирон яхши-ёмон кунимиздан четда турганингизни, бировни ёмон деганингизни, бировдан гина қилганингизни кўрган, эшитган эмасман.

Келинойи, ўзининг ҳалол нафақа пулини тўплаб, муборак ҳаж сафарига бориб, мўминлик фарзини адо этиб-келган Ҳожи отажоним, илоҳо юзга киринг! Сиз сўз ва меҳр каби улугсиз. Сўз ва меҳр асрлар оша яшайди. Меҳримни, юрак сўзимни кафтимда тутаман сизга!

**Санъат МАХМУДОВА**

## НАМАНГАНДА МЕҲР-МУРУВВАТ ШОДИЁНАЛАРИ

Наврўз айёми кунлари Республика хотин-қизлар кўмитаси ва Наманган вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан меҳр-мурувват хайрия тadbирлари ўтказилди. Бу тadbирлар файзли ўтишида асли ўзи наманганлик, саховат эгаси Зоҳида Маҳмудова бош-қош бўлдилар. Наманганда бўлган хайрия тadbирига вилоятнинг барча томонларидан келган ногиронлар, кам таъминланган оила аъзолари ҳамда хотин-қизлар кўмиталари фаоллари қатнашди. Бир пиёла чой устида гурун, ўйин-кулгу авж олди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Малика Рустамова йиғилганларни Наврўз байрами билан қутлади. Республика хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Саёҳат Ибрагимова шундай деди:

- Мустақиллик шарофати билан кўп қадриятлар тикланмоқда. Юртбошимизнинг шахсан оталарча ғамхўрликла-

### ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ри ўқсик қалбларга дармон бағишламоқда. Айниқса, хотин-қизларга, келажимиз бўлган ёш авлодга берилаётган имкониятлар алоҳида таҳсинга сазовор. Меҳр-мурувват кўрсатишни истаган, савоб излаган ўнлаб тadbиркорлар Аллоҳ буюрган амалларни бажаришмоқда. Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳам ана шундай саховат эгаларини барча вилоят ва туманларда қўллаб-қувватламоқда. Бугунги файз ва тароват билан ўтаётган тadbиримизга Зоҳида опамиз ҳомийлик қилмоқда...

Сўз олган Зоҳида Маҳмудова шундай деди:

- Азизларим. Барчангизни баҳор ва Наврўз билан қутлайман, бугун кўнгилингизга озгина бўлса-да, заъв улшасак ғоят бахтиёр бўламиз...

Шундан сўнг опа кўзи ожизлар жамияти раисига гилам, маҳалла оқсоқолари кенгашига палос, чинни сервиз совға қилди. Кейин даврада ўтирган юздан ортак аёлларга кийим ва материал, эскиларга эса қийим совға қилди.

Шоира Дилбар Ҳайдарова, Муқаддас Абдусаматова йиғилганларга она, оналик меҳри, юртимиз тинчлигига, барқарорлигига бағишланган шеърларини ўқиб беришди.

Навбат яна куй-қўшиққа берилди. Шу зайл шеър кетидан куй, куй кетидан кўшиқ, кўшиқ кетидан ракс давом этди.

Меҳр-мурувват, баҳор ва Наврўз тантаналари Поп туманида ҳам давом этди.

- Бу гузарни тумандаги таниқли тadbиркорлардан бири Усмон ака қурганлар, -деб таништиришди бизга. Ичкарига кирдик. Бу ерга ҳам кам таъминланган оила аъзолари йиғилган. М. Рустамова, С. Ибрагимовалар тўпланганларни Наврўз билан қутлашди. Тadbир ҳомийси Зоҳида опа ўтирганларга бирма-бир эсдалик совғаларини топширди. Тadbиркор Сайёра Одилова ҳам йиғилганларга моддий ёрдам пули бердилар.

Илоҳим, юртимизда яхши одамлар янада кўпайсин, деган эзгу ният кўнгиларда ҳукмрон бўлди.

**Муқаддас СОЛИҲ ҚИЗИ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

# ЯШАМОҚ УЧУН КУРАШМОҚ ЖОИЗ

## ОГОҲЛИК - БУРЧИМИЗ

"Кексалар уйқуси - куш уйқуси", - дейди халқимиз. Қанчалар топиб айтилган-а бу сўзлар. Буни сахар мардондан Тангри таолога шукроналик билан ўрнидан турган кексалар билади. Ох, қанчалар гаштли-я бундай осуда дамларда уйқудан кўз очиш? Теварак-атрофда қилт этган товуш йўқ. Теварак-атрофда, кўни-қўшингникида - кўчангда тинчлик. Бу демак, сен яшаган туманда - юртда тинчлик. Ох, қанчалар ноёб бир бахт бу хонадонингда, кўчангда, эл-юртингда тинчлик бўлган...

Ҳар тонг шундай фароғатли дамларда уй-фотгани учун Яратганга шукроналик баён этаман. Ахир кўз очмаслигим ҳам мумкин эди-ку. Мен ҳам, сиз ҳам, бошқалар ҳам...

Хаёл мени узоқ-узоқларга олиб учади, бу кунга етмай ўтиб кетганларни ёдга солиди. Неча-неча йиллар давомда озодлик учун кураш олиб бориб мустамлакачилар тарафидан отиб юборилган боболаримиз, оталаримизни эслаб кетдим. Улар ҳурмати учун ҳам бу бахтни қўлдан бермаслигимиз керак. Ахир бахтимизни кўролмаган қора кучлар гимирлаб қолишди-ку... Ўтган йил республикамиз Президентини Исломо Каримовга бўлган суиқасд наинки Президентимиз, балки бутун ўзбек халқига бўлган суиқасд эди. Айни шу юртимиз осудалигига, мустақиллигимизга тажовуз бўлган эди-ку ўшанда. Президентимиз ўша кунлари халқни огоҳликка даъват этдилар, ундан кейин эса яна неча-неча марталаб ва ниҳоят куни кеча Олий Махлис ноиблари ҳузурида сўзлаган маърузаларида Ўзбекистон халқини яна нечанчи бор огоҳликка даъват этдилар. Президентимиз ёниб, куйиб, куйиниб: "Ўзингни, ўз уйингни асра!" - деган сўзларида олам жаҳон маъно муҳасамлагини англаб ета олмаепмизми?! - деб ўйлаиб қоламан. Ахир Президентимиз: "Эй одамлар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар!" - деб тақор ва тақор айтдилар-ку! Ҳа, ҳар биримиз ўз уйимизни асрайлик - оиламизни асрайлик. Ҳар хонадондан бошланган бу сай-ҳаракат маҳалла - эл-юрт миқёсига ўсиб етиб, осудалик тинчлик учун республика миқёсига бўлган катта кучга айлансин. Истиқлол йўлидаги курашда шахид кетган менинг отам журналист Саид Ахрорий 1918 йилда "Турк сўзи" газетасида ёзгани каби, "бизда яшамоқ орзуси кучли". Яшамоқ учун эса курашмоқ жоиз экан. Яшамоқ учун тинчлик, хотиржамлик керак экан. Ҳозирги пайтда тинч, хотиржам бўла олаемизми?

Бепарволик ва лоқайдлик энг ёмон иллат. Шу иллат туфайли болаларимизни ақидапарастларга олдириб қўймадикмикан? Ваҳоланки, бутун орзу умидларимизни болаларимиз билан боғлаганмиз. Давлат миқёсига ёшларни хорижа жўнатиб ўқитиш, қатор-қатор лицей, коллежлар, академиялар очиб ёшларни ўқитиш - буларнинг бари нур устига аъло нур. Аммо ютқларимиз билан махлиб бўлиб қолиб, лоқайдлигимиз туфайли уларнинг биронтасини бўлсин диний ақидапарастларга олдириб қўйсак ўзимизни кечирришга ҳаққимиз йўқ. Зеро, Ватанимиз тинчлиги, Президентимиз Исломо Каримов айтганидек, Куролли Кучларимизнинггина иши деб қарамаслигимиз керак. Бундан чиқадики, тинчлигимизни сезинган, менинг, ҳаммамизнинг ҳозиржавоблигимиз, байрат ва шижоатимизга боғлиқ. Мустақиллигимиз эса аждодларимиз қони билан бўялган шундай бир бахтни, уни қўлдан бериб қўйишга ҳаққимиз йўқ - буни бандаси ҳам, Аллоҳ ҳам кечирмайди. Ватан тақдирини бизнинг қўлимизда экан - огоҳ бўлайлик. Огоҳ бўлайлик, Ватандошлар.

**Холида АХРОРОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



## АЁЛ ҚАДРИ БАЛАНД

- дейди Кўкон нон комбинати касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Малоҳатхон Аббосова биз билан суҳбатда.

- Комбинатимиз ишчи-хизматчилари 20 турдан ортик ширин нон, нон, оби нон, батон, тешик кулча, печенье ва бошқа озиқ овқат турларини халқимиз дастурхонига етказиб бермоқда. Махсулотларимизнинг элимиз дидига сингиши, сифатли, харидорнинг бўлишида корхонамизда меҳнат қилаётган (300 дан зиёд) хотин-қизларимизнинг ўрни бекиёсдир.

Аёлнинг ҳам оилада, ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этиши жуда муҳим ва долзарб масаладир. Чунки аёлнинг ҳаётдаги мавқеи, ўз ўрнини эгаллаши фарзандлари камолотига ҳам таъсир этмай қолмайди. Шу боис аёлларимизнинг бемалол, сидқидилдан ишлашлари учун барча шарт-шароитлари яратиб берганмиз. Моддий қўллаб қувватлаш мақсадида ҳар куни бепул нон, арзонлаштирилган озиқ-овқат махсулотлари, ишончада кийишлари учун бепул халат, рўмол, оёқ кийимлари билан таъминлаб тураемиз. Ишчи-хизматчи аёлларни фарзандлари билан бирга саломатлик оромгоҳларига бориб ҳордик

олишлари, соғлиқларини тиклашларини кўзлаб текин йўлланмалар уюштирмақдамиз. Уларнинг 150 дан зиёд фарзандларини шахардаги 12-болалар богчасига жойлаштирдик. Байрам ва туғилган кунларида муносиб рағбатлантириш ишларини амалга ошириб келмоқдамиз. Ҳа, аёл кучкуватти, ақл идроки, имкониятлари жуда кенг буюқ зотдир. Унинг қадрини баланд кўтариш орқали барча савобли ва эзгу ишларга бош-қош бўлиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Мухтор БЕК



## ЭЛ НАЗАРИДА БЎЛИНГ

Халқимизда яхшидан ёмон чикди, - деб куйинма, ёмондан яхши чикди, - деб суюнма, деган мақол бор. Дарҳақиқат, бу мақолнинг замирида ҳикमत бор.

Бувайда тумани автомобил йўллари бошқармасининг бошқарув раиси Мухаммадхон Тожиматов билан бўлган суҳбатимиз давомида мана шу мақолни нечоғлик ҳақиқатга яқин эканлигига амин бўлдим. Мухаммадхоннинг падари бузуқворни Ҳайдарали ота эл-юрт хизматида жонини ҳам аямайдиغان, туманга бирин-

чи бўлиб трактор олиб келган инсон эдилар. Оналари Софийахон эса ўқувчиларини ўз фарзандларидек бағрига босган ўқитувчи, қомила аёл эдилар. Доимо эл-юрт хизматида юриш, фидойилик хислати Мухаммад акага ота-онадан мерос. Ҳа, у бугунги кунда 200га яқин одам ишлайдиган катта бир бошқарманинг раиси сифатида халқнинг оғирини енгил қилмоқда. "Раҳбарлик мансаб эмас, балки жуда катта масъулиятдир", - дейди биз билан суҳбатда Мухаммад Тожиматов.

Ишчи хизматчиларнинг кўнглига йўл топа билишлик, уларнинг оилави аҳолидан хабардор бўлиш, кам таъминланган оилаларни моддий томондан қўллаш, уларнинг саломат-

лигини назорат этиш буларнинг барчаси раҳбардан жуда катта зий-ракликни талаб этади. Жамоадаги бундай соғлом муҳит айна пайтда иш умумдорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказсади.

Бугунги кунда ишчи-хизматчиларимиз туманимизга янги йўллар очишда, яроқсиз йўللарни таъмирлашда ва Қипчоқ доволарида ҳормай-толмай фаолият кўрсатмоқдалар.

Мухаммад ака ҳузуридан кайтар эканман ажойиб инсон билан танишганимдан қалбим қувонча тўлди. Уларнинг эл-юрт хизмати йўлидаги савобли ишларига омад тиладим.

М. СУЛАЙМОНОВ



## УСТОЗЛАРИМ БИЛАН ФАҲРЛАНАМАН

Суҳбатдошим Косон ёғ-экстрация ҳиссадорлик жамияти бош механиги ўринбосари АЛИЖОН ХУҲАЕВ.

- Ҳаётда ҳар бир кишининг ўз орзунияти бўлади. Базан қийинчиликлар кишининг иродасини букиши, орзуларининг амалга ошишига тўсқинлик қилиши мумкин. Сизда ҳам ана шундай ҳолатлар бўлганми?

- Олийгоҳни битириб, ишга кирдим. Ўшанда 1991 йил эди. Биринчи кунданок, ишдан чиққан агрегат-

ни тузатишни топширишди. Цехга кирдим, шувиллаб ишлаётган дастгоҳлар олдида бир зум туриб қолдим. Аммо, сир бой бермадим. Агрегатни тузатиш жараёнида шошалоқлик билан қўлимни жароҳатлаб олдим. Бу ҳам майли, эртасига раҳбарларнинг йиғилишида мени танқид қилишганини айтинг... Хуллас, ўшанда анчик қилиб ишдан бўшаш ҳақида ариза ҳам ёзмақчи бўлганман. Аммо, ён-веримдаги ҳамкасбларимнинг далдаси билан яна ишга киришдим. Мана, Худого шукр, қийинчиликларнинг барчаси ортада қолди. Шунинг ўзи мен учун бир муваффақият, деб ўйлайман...

- Ўз устозларингиз ва бугунги кунда олиб бораётган ишларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз...

- Мени шу корхонага меҳр қўйишига устозларим Собир Умаров (марҳум), Тўра Холмирзаев, Шокир Сатторовларнинг кўмаги катта бўлди. Уларнинг маслаҳатию-танбехлари туфайли бугунги кунда корхонанинг техник муаммоларини бартараф этувчи раҳбар даражасига кўтарилдим. Ҳозирги кунда хориждан, яъни Россиядан янги технологиялар, уларга қўшимча қисмлар олиб келиш жуда қийин бўлиб қолди. Биз эса мураккаб агрегат қисмларини республикамизнинг турли корхоналарида ясаб, минглаб кишилар меҳнат қиладиган корхонани тўқис ишлатаймиз.

Суҳбатдош:  
Исоқ САТТОРОВ



## МАШАҚҚАТНИНГ МИНГ БИР КЎЧАСИ

### ХОТИРА - МУҚАДДАС

...Бундан саксон йил муқаддам Тошкентнинг Олча кўчасида истиқомат қилувчи Бўрибой ака ва Малика опалар хонадонидан бир ўғил дунёга келди. Яхши ниятлар билан унинг исмини Абдурахмон деб қўйишди. Афсуски, Ватандан айро яшаш, мусофирчилик орзулар рўёбини чилларчин қилиб ташлади. 30-йиллар сиёсатининг қурбони бўлиш оила қисматида ҳам бор эди. Ўша пайтда 50 та ўзбек оиласи Украинага сургун қилинди. Украинада ўзбеклар пахта экишга жалб этилди.

Абдурахмон болагини унутиб катталар қотари меҳнатга шўнғиди. Унинг ўқишга, илмга бўлган иштиёқи кучли эди. Офицерлар билим юртига ўқишга кирди. 1942 йил 7 ноябр кун Москвадаги ҳарбий парадда катнашиб, ўша ердан фронтга отланди. Лейтенант Комилов Смоленск шаҳрини мудофаа қилишда, 2-Белоруссия, 2-Болтикўйи фронтларидек уруш олови гуруллаб ёниб турган жанггоҳларни кечди. Улардан хоти-

ра бўлиб орден-медаллар қолди. 1944 йилдаги оғир жангларнинг бирида у қаттиқ яраланди. Абдурахмон Комиловга госпиталнинг жарроҳлик столида қайта ҳаёт бағишладилар, аммо врачлар уни 2-гурӯх ногиронлигига чиқаришди. Энди Абдурахмоннинг фронтдаги фаолиятига нуқта қўйилади, шу йилнинг ўзида киндик қони тўқилган она шахри Тошкентга қайтди. Унга Тошкентда қолган оналари, жигарлари сунячиқ бўлишди. У олдинги транспорт, сўнг халқ хўжалиги институтиди ўқишни давом эттирди. Шундан кейин Абдурахмон ака ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган турмушнинг ширин дамлари, оилави қувончлар ўз бағрига олди. Абдурахмон ака Кимёхон опадек уяр йўлдоши, оиласи деб куюниб яшайдиган аёл билан умргузаронлик қилганидан минг-минг рози. Ярим аср у билан бир ёстиқча бош қўйиб, ҳаётнинг қувончу-ташвишларини бирга баҳам кўришиб, икки ўғил, икки қизни воёга етказишди. Дилбархон ўқитувчи, Абдугани фармацевтика идорасида раҳбар, Абдуфаттоҳ етук молиячи, Шоирахон эса шифокор. Кўриб турганингиздек, фарзандларнинг ҳар бири эл-юрт-

нинг қорига ярайдиган касб соҳиблари. Кимёхон опа мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб 45 йил меҳнат қилди.

Мустақилликни 70 ёшли отахон кўзида қувонч ёшлари билан қарши олди. Ота мустақилликнинг ўзидан-ўзи келмаганлигини бошқалардан яхшироқ ҳис қилади. Ана шу пайт ватангадоликда юрганларини, юртдошлари тақдирига битилган қисматларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказди. Мана шу кунларга етказганига шукр.

Ушбу мақола ёзилаётган бир пайтда Хувайдо маҳалласидан хунук хабар тарқалди. Абдурахмон ота вафот этибди. Марҳумини сўнгги йўлга кузатиш маросимида қўллаб одамлар қатнашди, чунки Абдурахмон Комиловни билгувчилар ва ҳурмат қилувчилар кўп эди. Қатор турган кишилар орасидан марҳумнинг ён қўшнилари халқ шoirи Эркин Воҳидов ва журналист ёзувчи Хайрулла Эргашевларнинг ўзаро суҳбати қулогимга чалиниб қолди: "Абдурахмон ака олижаноб, фидойи ва жаннатин инсон эдилар..."

Азиза ШУКУРЗОДА  
Тошкент шаҳри

## НИЯТИМ - СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИДА САВОБ ИШ ҚИЛСАМ

Соғлом авлод, соғлом фарзанд бу буюк Ватанимиз учун тенгсиз куч-қувватдир. Мен 13 йилдирки ҳозирги зурриёдларимиз орасида тарқалаётган бир оғир касаллик - терини оқариб кетиши касаллиги устида иш олиб бордим ва болаларда кўпалаб аксариятини соғайтириб чиқариб юбордим.

Менда яхши бир ният туғилди. Хусусий касалхона очсам, дардмандлар дардига дармон бўлсам, деб ўз олдимга мақсад қўйдим.

Соғлом авлод йилида аёл, она, шифокор сифатида халқимиз бир четдан фойда тегиб турса инсонийлик бурчим шу деб билдим.

Бир яхши инсон икки қаватли хусусий идорасини бериб: "Шу касаллик бўйича касалхона очсангиз, мендан ёрдам шу, қолганига қўрбим етмайди, бўлмаса ёрдамимни аямасдим", - деди.

Аммо бу жойни олиб ишлатишга менда маблағ йўқ. Қуруқ гап тикка турмайди. Касалхона очиш учун 4-5 миллион сўмлик маблағ зарур. Шундан сўнг касалхона - касалхона бўлиб иш беради.

"Кредит олиб", - деб маслаҳат берувчилар ҳам кўп бўлди. Аммо, кредит пулини тезда тўлай олмай қоламаним, деб мулазим бўлиб қолишдан қўрқдим, гаровга қўядиган нарсам ҳам йўқ.

Кредит олиш учун гаровга нарса қўймагангиз беролмаймиз деб молдиядагилар қайтаришди. Жой масаласида К. Рустамова номидаги жамоа ҳўжалиги раҳбари Абдулвали Ваҳобовга учраганимда менга 10 йиллардан бери қаровсиз қолган болалар боғчасини (Хайробод қишлоғидаги) вақтинча арендага бериб туришини айтиб:

"Фақат ўзингиз таъмирлаб оласиз, шартнома тузиб ишлатаверингиз", - деди. Шу ёғиямга хурсанд бўлиб кетдим, 2 ойдан кўпроқ югуриб ҳужжатларимни тахладим, жойни лицензия низомига ҳам киритдим. Ҳоким қарори чиқиши учун низоимни нотариусда тасдиқлаб шартномага раис қўл қўйишини илтимос қилдим. Раис қўл қўя олмаслигини, ўша қишлоқ аҳолиси норози бўлишганини сабаб қилиб кўрсат-

ди. Таъмирлаш учун баҳоли қудрат керакли материалларни олиб, уста ҳам гаплашгандим, усталар ҳам, мен ҳам нима қиларимизни билмай қолдик.

Мени даволамоқчи бўлган касалим юқумсиз, юқадиган бўлганида СЭС йўл қўймасди, лекин СЭС паспорти учун жой талабга жавоб бериши керак эди. Таъмирламасингиздан санпаспорт бермаймиз дейишди. Санпаспортсиз эса ҳоким қарори ҳам, лицензия олиш ҳам, кредит пули олиш ҳам муаммо бўлиб қолди.

Олий мажлис депутати Қашқадарё вилояти "Автойул" қурилиш биришмаси раиси Курбон Панжиевга мурожаат қилиб боргандим. Бу аҳжйиб инсон: "Қизим яхши ният билан чиқибсиз-у, жон-жон деб сизга ўхшагандарни қўлласа арзийди, аммо 5 миллион қатта пул, ажратиш мушкул, ҳозир маблағ йўқ", - деб қайтардилар.

Лекин мен ўзим бошламоқчи бўлган бу савоб ишдан ҳамон кўнглим узганим йўқ. Бу йўлни энгишга, халқим саломатлиги учун жон фидо қилишга ҳам тайёрман. Фақат мени қўлашса, "оқ йўл" беришса бўлди эди...

Мен бошламоқчи бўлган иш узокни кўзлаб экилган дарахтга ўхшайди. Мен экомки бўлган бу дарахт кейинроқ ҳосилга қиради ва серхосилдир.

**Сайёра ШЕРҚОБИЛОВА**  
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани,  
К. Рустамова ж/х.

**Тахририятдан: Сайёра бу "Арзи ҳоли"ни тахририятга ўзи олиб келди. У энди дардмандларга шифо бағишлашдек олижаноб касб-кори доирасини янада кенгайтирмоқчи, самарадорлигини оширмоқчи. Лекин бу ишни ташкил этишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Қашқадарё вилояти ҳокимияти, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод ўқиш" Халқаро хайрия жамғармаси ва бунча ёрдам бериш қувватига эга ташкилотлар, инсонлар қонун-қонда доирасида эзгу ва савобли ишга қўл бoлагани Сайёрага маслаҳат, йўл-йўриқ, илком қадар саховатларини аямайдилар деб умид қиламиз.**

## ИШЛАМАСА НАФАҚА ТўЛАМАЙДИМИ?

Дангара туман судининг очик суд мажлисида алиментчи Эркин Абдуқодировнинг жиноят иши кўрилди.

Судланувчи Э.Т. Абдуқодиров Дангара туманидаги Салом қишлоғида яшайди. Вақтинча ҳеч қаерда ишлаймайди. Турмуш ўртоғи С. билан 1997 йилда ажрашган. Кейинги 14 ой давомида 3 фарзандига алимент тўла-масдан қочиб юрган.

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

"Ҳеч қаерда ишлама-сам, алиментни қаердан ундириб оларди!" деган кайфиятга берилган. Бунёд, Шукур, Юнусли исми фарзандлари оилавий қийин шароитда яшаганлар. Суд ижрочиларининг бир неча бор оғохлантиришига қарамаздан ота ялло қилиб юраверган.

Иши судда қўрилишини билиб олган Эркинбой оғи кўйган товукдай югуриб қолди. Фарзандларидан 14 минг 868 сўм қарзи борлигини суриштириб билди. 9 минг сўм пулни собиқ хотинига олиб бориб берди. Бироқ, "ғишт-қолипдан кўчган", болаларига қасддан нафақа тўламаган эди.

- Алиментчи ота ишлама-сам, нафақасини қандай ҳисоблашадим? Бу саволга суд раиси Хадича Мусахонова шундай

деди:

- Агар алимент тўлашга ҳукм қилинган ота ишлама-сам ва нафақани тўлама-сам, туман статистика ва ҳисоблаш марказидан туман аҳолисининг ўртача иш ҳақи қанчага тўғри келаётгани тўғрисида маълумотнома олинади. Эркин Абдуқодировнинг болаларига ҳар ойда тўлаши лозим бўлган нафақа пули 1062 сўмни ташкил этади. Унинг

14 ой давомида болаларидан қарзи 14 минг 868 сўмга етган. Шу сабабга кўра Абдуқодировнинг қилмиши судда кўрилди. Унга 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилди. У энди болаларидан бўлган қарзини тўлайди. Яна ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлатга ҳам тўлайди. Болалари вояга етгунга қадар эса иш ҳақининг иккидан бир қисмини нафақа сифатида болаларига юборади.

Мана, шунақа гаплар. Ишдан қочиб, нафақа тўлашдан бўйин товлаб юрган оталар бўлса, кўзларини очиб, ақларини пешлаб олсинлар. Фарзандлардан қочсангиз ҳам қонундан қутулиб кетолмайсиз.

**Т. МИРЗАРАҲМАТОВ,**

журналист

Фарғона вилояти

## "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"ГА ЖАВОБ КЕЛДИ

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Алишер Навоий мавзесининг 22-уй, 14-хонадонида яшовчи фуқаро М. Юлдашевнинг "Оила ва жамият" рўнома-сига ёзган хатида баён этилган, номаълум шахс уйининг қиравериши эшигига ўт қўйиб кетганлиги, деворига бир неча вақтдан бери ҳақоратловчи ҳамда таҳқирловчи сўзлар ёзиб тинчлик бермаётганлиги, бу ҳақда тегишли жойларга шикоят қилганлигига қарамаздан, ҳеч қандай натижа бўлмаётганлиги тўғрисидаги ҳолатлар Фарғона вилояти ИИБ ходимлари томонидан атрафлича текшириб чиқилди.

Текшириш жараёнида хатида баён этилган барча ҳолатлар юзасидан Қўқон шаҳар Алишер Навоий мавзеси

пектори, милиция капитани И. Мирзакаримовга топширилганлиги аниқланди.

И. Мирзакаримов текшириув ишлари олиб бориб, М. Юлдашевнинг собиқ турмуш ўртоғи Э. Муроодовни ушбу ҳодисаларни содир этганида гумон қилиб, унга нисбатан тўпланган ҳужжатларни чора кўриш учун Қўқон шаҳар судига юборган. Шаҳар суди ушбу ҳолат исботини топмаганлиги учун Э. Муроодовга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаган ва қўшимча равишда қуқурроқ текшириш ва аниқлаш учун милиция ҳудудий инспектори И. Мирзакаримовга кўрсатма берган.

И. Мирзакаримов шу вақтда бошқа маъмурий ҳудудга хизматга тайинлан-

## СОВУҚҚОНЛИК ҚИЛГАНЛАР ЖАЗОЛАНДИ, ҚАЙТА ТЕКШИРИВГА КИРИШИЛДИ

22-уйда яшовчи фуқаролар: Н. Муроодова, А. Шокиров, М. Абдусадиров, 17-уйда яшовчи Э. Муроодов ва бошқалар билан суҳбат ўтказилди.

Ушбу фуқаролар ўзларининг тушунтириш хатларида 1998 йил ёз ойларида 22-уйнинг йўлагига кириш эшигига М. Юлдашевнинг шаънига ҳақорат сўзлари ёзилганлигини кўрганликларини, лекин ким томонидан ёзилганлигини билмасликларини баён этдилар.

1997 йил 8 ноябрь куни ҳақиқатан ҳам фуқаро М. Юлдашева истикомат қилувчи хонага кириш эшигига қопланган дермонтин матосининг 1-квадрат метри ёнган бўлиб, ёнғин Қўқон шаҳар Ёнғиндан сақлаш бирлашмаси ходимлари томонидан ўчирилиб, номаълум шахс томонидан атайлаб ўт ёқиш сабабли келиб чиқиши мумкин деган хулоса чиқарилганлиги ҳамда тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Қўқон шаҳар ИИБга юборилганлиги маълум бўлди.

Аммо, Қўқон шаҳар ИИБнинг собиқ бошлиғи, милиция полковниги Н. Холматов назоратсизлик ва эътиборсизлик оқибатида ушбу ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ҳисоботларга киритиш чораларини кўрмай, милиция участка вакили, милиция капитани И. Мирзакаримовга ёнғин ҳолати бўйича суриштиришни озгак тайинлайди. И. Мирзакаримов эса ёнғин тўғрисида бирон бир ҳужжат топширилмаганлиги ва унинг бу борада бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлари назорат қилинмаганлигидан фойдаланиб бирон бир тўхтамага келмаган, натижада ушбу ҳолат яшириб қолдирилган.

Олиб борилган текшириув натижасида М. Юлдашева 1999 йил 30 январь куни Қўқон шаҳар ИИБга фақат уйининг деворига номаълум шахс томонидан ҳақоратловчи сўзлар ёзилганлиги тўғрисида ариза ёзиб мурожаат қилганлиги ва унинг аризаси навбатчилик қисмидаги жиноят ва ҳодисаларни қайд қилиш китобида 133 рақам билан қайд қилинган бўлиб, ҳал қилиш учун милиция ҳудудий инс-

пектори, милиция капитани И. Мирзакаримовга натижасиз қолиб кетган.

Шу сабабли аризада келтирилган ва натижасиз қолиб кетган ҳолатлар бўйича қўшимча текшириув ишлари олиб бориш, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан қайта текшириув ишлари олиб борилди.

Хизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганлиги учун милиция участка вакили, милиция капитани И. Мирзакаримов расмий равишда оғохлантирилди.

Қўқон шаҳар ИИБ собиқ бошлиғи, милиция полковниги Н. Х. Холматов Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари тўғрисида"ги Қонун талабларини бузганлиги, М. Юлдашевнинг уйи эшигини қасддан ёқиб кетиш ҳолати бўйича белгиланган тартибда чора кўрилишини таъминламаганлиги сабабли қаттиқ интизомий жазога лойиқ деб топилса-да, 1999 йил апрелга қадар хизмат қилганлиги ва унинг ҳозирда нафақада эканлиги билан чекланди.

Маъмур аризада келтирилган барча важлар тўлиқ текшириб чиқилмаганлиги аниқланиб, қайта текшириув ўтказилди ва биринчи мартаба текшириб чиқишда юзак муносабатда бўлганлиги учун Фарғона вилоят Ички Ишлар Бошқармаси Жиноятчиликнинг олдинчи олиш бўлими, бўлимага бошлиғи, милиция подполковниги Э.А. Эшимовнинг ҳатти-ҳаракатлари бошқарманинг катта бошлиқлар ахлоқ, одоб ва интизом судида кўриб чиқиши белгиланди.

Бундан ташқари, аризада келтирилган ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган номаълум шахсини топши ҳамда келгусида фуқаро М. Юлдашевага нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш чорасини кўриш Қўқон шаҳар ИИБга юклатилди.

**И. ХИЛВАТОВ**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Жиноятчиликнинг  
олдини олиш бошқармаси  
бошлиғи

## ТАҚДИРИНГ ҚЎЛИНГГА...

Кейинги кунларда Насибанинг дили гаш. Ичига чироқ ёқса ёришмайди. Туну кун хаёлида биргина ўй кечади. "Нега қиз бола бўлиб туғилдим, ўзи? Энди бошимни қаёққа урай?" Тақдирдан, келажакдан жуда хавотирда эди у.

Кеча онасига ҳам шу ҳақда сўз очди:

- Ўша йигитни ёқтирмайман, онажон! Мактабдаги даёқ ўзига ўхшаганлар билан хилватларда қарта ўйнаб, си-

гарет тутатиб юрарди. Кўча-кўйда нуқул қизларга гап отади. Наҳот келиб-келиб ўшанинг совчиларига "хўп" деб ўтирсангиз? Отамга айтинг, ахир...

- Нима қилай, болам, қуда бўлаётган киши отангнинг дўсти экан, - деди куюниб. - Бир пайтлар ўлига айтиб аҳдлашган. Отанг ҳам орадаги дўстлик бузилмасин деяётгандир-да!

Насибанинг умидлари пуча қачки. Демак, ҳаммаси та-

Эҳ, қанқоқ орзулари бор эди-я! Севишиб турмуш қилган дугоналарига ҳаваси келарди. Ҳамманинг меҳрини қозонган кишига турмушга чиқаришни истарди. Энди-чи? Ўша тарбиясиз йигит билан тақдирини боғлайдими?

Тўсатдан хаёлига бир фикр келди. Юристарга бориб, маслаҳат сўраса-чи? Бундай ноҳақликнинг бирор чораси бордир, ахир! Ўша кун Насибани юрист аёлининг ҳузурини узоқ қолиб кетди. Ва тушуниб етдики, оила қуриш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим

воқеа экан. Никоҳдан ўтиш йўлидаги жамики саъй-ҳаракатлар қонунларимизда белгилаб берилган. Қонулару кодексларда қуриллажак оила манфаатлари ҳам тўла-тўқис тўхмос этилади. "Никоҳ тузиш ихтиёрийдир", - дея ёзилади Оила кодексига. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади". Демак, фуқароларни ўзи

Г. ЖАМИЛОВА

Мени ҳаётим гўёки камчиликсизу, бекамун эшитдик. Лекин юрагимни ўртаб, қийнаб келадиган бир масалада сизлардан маслаҳат сўрамоқчиман. Беш болам бор. Ҳамма фарзандларим, фақат тўнғичимдан бошқа, соғ-саломаат, ақлли-хушли. Фақатгина тўнғич фарзандим, ҳозир 20 ёшда, ноғирон, юролмайди. Лекин арава-чада ҳаракат қилиб юради. Ўғлим Ўткир бўйимда бўлгани-

уни доволатамиз. Қаердаки табиб борлигини эшитсак, ҳам-масига борамиз, фойдаси йўқ. Фақат кейинги 3 йил олиб бо-ришимиз қийинлашгач, ҳеч қарга олиб бормайдиган бўлди. Ҳозир соқоллари ўсган, норғул йигит. Ўзи гавдасини кўтармас, бизлар эплай ол-маймиз. Аравача билан ҳаракат қилади. Ақли жойида, гапири-ши яхши. Бундай олганда, биз-га зарари тегмайди. Аммо...

СОҒЛОМ АВЛОД – МУАММО.  
МУЛОҲАЗА. МУНОЗАРА

уришсак, улар бизни койиб унинг тарафини олишади. "Хўп, нима қилсин, зерикади-да. Ўзингиз бир кун уйда ўтиринг", - дейишади. Бу нарса бир кун эмас, икки кун эмас, ойлаб, йиллаб давом этаяпти. Энди

керак, юролмайдиганларни да-воламаймиз ёки группасини биринчидан иккинчига туши-ринг, кейин даволанади", - деб. Зерикканида ўша ерга бо-рарди, уни ҳам Худо кўп кўрди. Энди вилоят ижтимоий таъми-

берасизлар? Гоҳида, бирор фожеа рўй бермасин деб кўркаман. Ота-сининг шунчалик қаттиққўлли-гига қарамай, отаси ҳам бас келолмай қоляпти. Балким сизлар мени раҳм-

ЭЛ ҚАТОРИ ЯШАЯМИЗ, ЛЕКИН...

да ўзимни асрай олмадим. Янги рўзгор, келди-кетди, ти-ним йўқ. Бола эса қорнимда ўсмай, тўхтаб-тўхтаб ўсади. Вrachлар фақат ётишимни бу-юришади. Соғлом одамни ёти-ши ҳам қийин. Қайнота-қайно-нам: "Келин дангаса экан", - дейшмасин деб, тинмайсиз. Билмадим, шу сабаб бўлдим, бошқам бола ноғирон туғил-ди. Лекин ҳеч ким, врачлар ҳам: "Бу ноғирон, уни кўрса-ти даволанг" - дейишмади. Мен эса 3 ёшдан кейин уни Ташкентга олиб бориб про-фессорларга кўрсатдим. "Детский церебральный пара-лиз, спастический деглигия", - деб ташхис қўйишди ва да-волана бошладик. Биз вақтни ўтказган эдик. Ҳар йили 3 ой-лаб даволанса ҳам семириб озгина ўзгарди. Яна аслига қайтди. Кримдаги Евпатори-яга, Чортоқ, Чимёнларга дада-си олиб бориб, 2 ойлаб даво-латиб келди. Барибир озроқ ўзгариш бору, юриш йўқ. Ҳар йили меҳнат таътили пайтида

У бизни айтганларимизга қулоқ солмайди. Биз қаердадир унинг тарбиясига бўш қарадик-ми, кўнгли ярим деб авайла-дикми. Мен сизга қандай деб тушунтиришни ҳам билмай қолдим. Ўткир эрталаб биз ишга кетишимиз билан чойини ичиб, уйдан чиқади, арава-часи билан. Айтмайди ҳам, сўра-майди ҳам. Биз унга: "Ўткир-жон, қаерга борсанг ҳам айтиб кет, кундуз куни боргин-да, кечкурун келгин, оғайниларни ташвишга қўймагин", - деймиз. У эса 2-3 кунлаб бувилари, тоға-лари, холалари, амма-амакила-ри ва бошқа оғайнилариники-да юради. Куни бўйи кўчалар-да юриб, катта йўлларда ара-вачаси билан ўйнаб кечкурун уларниқига боради. Оғайнилар телефон қилиб: "Ўткир бизни-кида, хавотирланманглар", - дейишади. Биз иза бўламиз, "қайтариб юборинг", - деймиз. Улар ҳам бундай қилиша ол-майди, уни аяшади. Кўнгли ярим деб кўнглига қарашади. Бизлар отаси билан Ўткирни

оғайнилар ҳам: "Ўткирга қара-майсизларми, икки кун у ерда, бир кун бу ерда юрибди", - дей-ишапти.

Мен Ўткирга ҳамма гапни ту-шунтирдим. Яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам... Но-ғиронлик аравасини бўлақлаб яшириб ҳам қўйдим. Ҳозир унинг дастидан бир маърақага боришга уяламан. Иссиқ де-май, совуқ демай кўчада юра-ди. Овқатланадию, чиқади, "дарвоза ёнида ўтираман", - деб шундан йўқолиб кетади. Биз-нинг айбимиз шуки, уни меҳ-натга ўргата олмадик. Ҳеч нар-сага қизиқмади, соатлаб уйда ётади. Касб ўргатадиган жой, қулайлик бўлмади. Бир йил бўлди. Ноғиронлар учун реабил-итация маркази очилди, икки марта даволанди. У ёқда хунар-ча ўргатаркан. Телемастер-ликка қизиқди, уни ҳам қанча ўрганди, даволаниш мuddати туғагач чала қолиб кетди. 1999 йилдан эса йўлланма ҳам бе-ришмади. "У ерда ўзи юра ола-диган ноғиронлар даволаниши

нот бўлимига чиқиб аниқлай-ман. Телевизорда ноғиронлар-га кўрсатилаётган гамжўрлик-ларни кўрганда кўнглига олиб: "Нимага бизларга беришмай-ди", - дейди. Мен унга: "Нима хоҳласанг, олиб бераман, бу широнти оғир ноғиронларга берилади", - деб айтаман. Булар ҳаммаси иккинчи да-ражали гаплар. Мени қийна-ётгани Ўткирнинг психологик ҳолати. Уйда укаларини ури-шиб, дўқ уриб, агрессив муо-мала қилади. Балким бу ҳолат ўтиб кетар бир кун, балким кимдир шундай ҳолатга ёрдам бериш йўлини билар. Лекин, мен ноғирон фарзанд ўстириб, тарбиялаётган ота-оналарга чин юракдан раҳим келади. Жумладан, ўзимга ҳам. Бундай болаларни, уларнинг ота-она-ларини кўрганда юрагим эзи-либ кетади. Гоҳида ўғлимнинг шундай юрганига ҳам шукр қиламан.

Рости гап, Ўткирнинг ҳола-ти, тарбияси мени қийнаб қўйди. Сизлар нима маслаҳат

сиз, юраксиз она дерсизлар. Нима бўлганда ҳам мени тўғри тушунишингизни истар-дим. Қандай маслаҳат қилин-гда ҳам тўғри қабул қилишга ҳаракат қиламан.

С.Х.  
Навий вилоти,  
Кармана шаҳри

Тахририятдан: Прези-дентимиз 2000 йили "Соғ-лом авлод йили" деб эълон қиларканлар, меҳри дарё аёл-лар, келажакимиз эгалари-фарзандларимиз, меҳр-му-ҳаббатга муҳтож бемору ноғиронларга алоҳида эъти-бор, эъзоз, парварш лозим-лигини алоҳида таъкидлади-лар. Демак, эътибору гам-жўрликка муҳтож юртдош-қондошларимизга мадад қўлимизни қўйайлик. Улардан яхши маслаҳатимизни дариг-тутмайлик.

ВИЖДОН  
ОЛДИДАГИ ГУНОҲ

(Боши ўтган сонда)

Мен ҳали ҳам (Равшан энди хонага деярли кел-мас-да) имконият борлигини ҳис қилиб, у билан очикчасига гаплашиш лозимлигини кўнглимдан ётоқсонга йўл олдим.  
У менга истар-истамас бокди.  
- Биласизми, ахтилом мен янгилашгангирман, аммо сиз бир бегуноҳ инсоннинг тақдирига совуқ-қонлик билан қараяпсиз... Ахир у ёмон қиз эмас-ку, - менинг гапларимни у ҳеч бир қаршиликсиз эшитар-ди. - Нима бўпти ахир бир қизни кўнглига қараб бахт-ли қилсангиз...  
У сизга тутагаркан, бир кўзини сағал қисиб ис-техзо аралаш мийигида кулди:  
- Мени-чи, мени кўнглим нима бўлади?  
- Унда Маъмурани умидвор қилиб нима қилардин-гиз? Нима айби бор эди унинг?  
- Мен унга марҳамат кўрсатдим, холос, -деганди ўшанда у қиёфасини ўзгартирмай. - Сиз мени ҳалиям яхши билмаскансиз... Биласизми, мен жуда бешафқат йигитман. Бунинг тарихи эса узоқ. Бу сир менинг қал-бимда мудҳиш из қолдирган. Эшитинг, гапнинг маври-ди келиб қолгани учун бу сирни биринчи марта сизга айтаяпман... Мени онам дадамдан ўттиз беш ёш кичик бўлган. Онам ўта гўзал аёл бўлган экан. Дадам онам-

ни бир қўришдаёқ севиб қолган ва уйланган. Дадам-нинг саёй-ҳаракати билан ўрта махсус маълумот олиб тикувчилик касбини эгаллаган. Мен туғилгач, улар икки йил чамаси яхши яшагандек бўлишади. Лекин онам ҳамма нарсадан: дангиллама беш хонали уй, якяю-ёлгиз зурриёди ҳам кўзига кўринмай, қишлоқда амал-ий машғулот ўтаётган шифкор йигит билан қочиб кетади. Мен эса, ўз-ўзимдан маълум: ўғай она қўлида қолдим. Ўшанда мен икки ярим ёшда эканман. Отам-нинг ҳаётини, онамнинг хиёнатини ўйларканман, севги йўқ нарса деган фикрга келаман, доимо. Ахир бор бўлганда, онам дадамнинг севгисини оёқ ости қилма-ган бўларди.  
Мен унинг алам тўла ҳикоясини тингларканман, ҳайратимни яшира олмадим:  
- Ахир, бир одамнинг айби билан бошқаларни гу-ноҳдор қилиб бўлмайди-ку... Вақти-соати келиб ум-мон кўз ёшлар сизни тинч қўярмикан?  
- Буни сиз эмас, мен ўйлашган керак. Мен яхшини усти, ёмонни остида юрган одамман. Бунинг устига мени яхши кўрган одамни севиб кетаверишим шарт эмас, шекилли... - дея у баралла қулиб юборди. Унинг ўхшовсиз қилигидан базур ўзимни босиб:  
- Илойим, севгига зор ў! - дея олдим.  
... Ўша воқеага ҳам беш йил бўлибди. Орада қанча ўзгаришлар рўй бермади дейсиз? Мен олийгоҳни би-тириб ўз соҳам бўйича кетдим. Маъмура ўқишни би-тирмасдан бошқа факультетга ўтказди. Кўп ўтмай тур-мушга чиқди, фарзандли бўлди. У билан тез-тез қўнғи-роқлашиб тураимиз, ҳаётидан мамнун, аммо юрагидан армон бўлиб қолган кечинмаларини баъзан телефон-да айтиб қоларди. Биз учун фақат Равшаннинг тақди-ри сирли бўлиб қолувди.  
Бугун эса уни учратиб бир қадар абгор аҳволидан ҳайратландим.

- Олийгоҳни тугатиб, катта бир қорхонага яхши бир лавозимга ишга кўтарилдим. Аммо, шу ерда ҳам ёшликдаги бебошликларим панд берди. Ишим жойи-да, атрофимдаги йигит-қизларнинг хушомадлари, кўтар-кўтарларидан сармаст юрардим. Уйга ҳам бор-май қўйдим. Аммо... Кўп ўтмай қорхона режани ба-жаролмай "синди", шундан кейин менинг шўр ишла-рим бошланди. Давлат мулкни талон-тарож қилган-ликда айблаб уч йилга қесийди, дадам бечорани югур-югурдан ҳам бефойда кетди. Менинг нон-ту-зимни еб юрган дўстларим эса ҳар томонга қочиб кетишди. Отамнинг бемаврид ўлими эса шундоқ ҳам буқилган қаддимни дол қилди. Темир панжара орти-да кечирган ҳар бир куним ҳисобма-ҳисоб қалбимда муҳрлиноб қолди...  
Мен ўзимга қаттиқ бино қўйган, инсоний меҳр-му-ҳаббатдан йироқ яшаган эканман. Мен қамоқхонада меҳр-муҳаббатга ташна эдим. Лекин қилғилиқларим учун ҳаёт эса мени устимдан кулди... Ҳа, севиш осон экану, аммо севилиш жуда қийин экан... Мен бу гу-ноҳимни кеч, жуда кеч тушундим...  
Шунда мен бирданга: "Виждонингиз-чи?", - деб юбордим. Сўхбатдошим афтода холда менга боқаркан:  
- Ҳа, тўғри айтдингиз, мен виждоним олдида бир умр гуноҳқорман, - деди. Мен Равшаннинг кўнгли айни дамда таскин-тасаллига муҳтож эканлигини ҳис қилиб дедим:  
- Майли, Равшан, энди буюғига омадингизни бер-син. Ҳамиша одамларга яхшилик улашишга ҳаракат қилинг. Негаки, яхшилик ва эзгу ишларингизгина одам-ларда сизга меҳр-муҳаббат уйғотади...  
Равшан сўзимни маъқуллагандай қулимсиради.

Фарида ТОҶИРОВА



БОЛАГА ШОДЛИК БЕРИНГ

Биз ота-оналар аввало ўзимиз тарбия қўрган бўлишимиз керак экан-да! Ҳар бир хатти-ҳаракати-миз, ҳар бир яхши-ёмон қилиги-миз, баланд ёки паст овозимиз, сўзимиз болаларнинг юрагига, кўзига муҳрлиноб бораркан-да. Кейин бу муҳри бошимизни тош-га уриб ҳам йўқота олмас эканмиз.  
Ота-оналар бир-бирлари билан жанжаллашаётган пайтда болалар жим бўлиб қолишади. Лекин улар-нинг митти юрадаки титраб ке-таётганини, кўзларида қучур мунг,

англаб бўлмайдиган бир даҳшат пайдо бўлганини ҳеч қайси ота-она кузатганмикан? Ота-онанинг ҳар бир жанжали болаларни улардан узоқлаштиради, уларни бемехр, қайсар қилиб қўяди. Ва энг ёмони, ҳозиргача қўриб, жим турган болалар эрта-индин худ-ди ота-оналарига ўхшаб уриш-қок, жанжалкаш бўладилар.  
Кейин биз ота-оналар "Нега булар бунақа?" - деб таажублан-маймиз. Ўзимизни болалар олди-да қандоқ тутганимизни унутиб

қўямиз-да!  
Биз болаларни ош-нон, кийим -кечак билан таъминласак-да, уларга шодлик ҳада этолмасак, яхши томонларимиз билан ибрат бўлолмасак-ҳаммаси бир пул.  
Қовоғи солиқ, сержаҳл болалар осмондан тушмайди. Улар ўзимизни тақорролашяпти. Кўпайтириб, ёнига қўшиб тақор-ролашяпти. Самимий, қулиб тура-диган, чехраси очик, одамларга меҳрибон болалар ҳам осмондан тушмайди. Улар ҳам ўзимизни

ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН,  
КЕЛИМНИ ЭШИТ...

тақорролашяпти.  
Хуллас, гап шул-ки, боламиз ҳали ҳомилалик пайтидаёқ уларга шодлик ҳада қилсак, хо-тиржам, аҳил-иноқ, тинч яшасак, жahl келганда ўзимизни босиб, муаммоларни бақриқ-чақриқ-сиз ҳал қилишга ўргансак, биз-ни ҳар бир сонияда кузатиб, биздан андоза олиб турган зур-риёдларимиз борлигини унут-масак бўлгани...  
С. МАҲМУДОВА

**АМИНМАНКИ, КЕЛАЖАГИМИЗ ПОРЛОҚ**

“Бир кун тенгимни топарман...”—52-сон

**ЭСЛАТМА:** 3 ёшимдан машина фалокати туфайли протезда юрман. Йиллар ўтиб, авога етгач менга ҳам йишлар севи ихор қила болади. Шулардан бирига умид қилувдим, ишончимни оқламади. Ўйлаб ўймас етолмайман: соғ болага тегсам яхшими ёки тенгимгами...

**ШОХИСТА**

Азиз дугонам Шохиста! Қаранг-ки, биз сиз билан тенгдош эканмиз. Ваҳоланки, сизнинг қалбингиздаги дардларингиз менинг қалб кечинmalarимга яқин экан, бу эса, ўз навбатида, фикрларимни сиз билан ўртоклашимга туртки бўлди. Агарда менинг сўзларим сизга озгина далда бўлса, ўзимни албатта бахтиёр ҳис этаман.

Ҳақиқатан ҳам, Шохиста, ҳар бир қиз ўзгача бир бахтни истаб яшар экан. У ўз хаёлларида идеални яратар экан-да, унинг ҳаётда учрашини Аллоҳдан илтижо қиларкан. Ҳамма гап ҳам мана шунга бориб тақалади.

Сиздан озгина фарқли ўлароқ, мен тугма ногирон туғилганман. Лекин, ойижонимнинг ҳамда шифокорларнинг сай-ҳаракатлари туфайли менинг оёқларим нисбатан асл ҳолатга келтирилди. Ишонасизми, мана шу 20 йиллик умрим давомида 9 та жарроҳлик операциясини бошимдан кечирдим ва уларнинг Худого шукр, самараси ўлароқ, энди 5-6 та чандиқни эътиборга олмаган ҳолда, ҳозирги кунда оёқларим яхши, юрганамда билинмайди ҳам. Аммо, биламан, сизнинг ҳам, менинг ҳам қалбимиз кемтик, айнан мана шу кемтиклик ҳаётда бизнинг ийманиб яшашимизга сабаб бўлади.

Биласизми, Шохистахон, ростини айтсам, 7-10 синфларда ўтган даврларимда жуда кўп йиллардим, айнан оёғим мана шундайлиги учун. Лекин, бироз улгайгач, ҳаётнинг оқу қорасини ажрата бошлаганимдан сўнг, мен шу нарасага амин бўлдим-ки, ҳаётда ҳамма нарсаси ўткинчи экан, бизнинг туғилганлигимизнинг ўзи буюк бахт экан, энг муҳими Аллоҳ бераётган ҳар бир кунга шукроналар айтиб яшашимиз лозим экан.

Кўп нарсани инсоннинг ўзига боғлиқ экан. Уша тўққан кўз ёшларим бефойда эканлигини англаб етдим. Ҳаётга бошқача кўз билан қарашга ҳара-

кат қилдим, ўз олдимга аниқ бир мақсадни қўйдим ва мана шу мақсад сари интилиб яшамоқдаман ҳамда аминман-ки, Худо хоҳласа келажагим порлоқ. Албатта, бу касб соҳасида. Биласизми, Шохиста оёғингиз ўшандай бўлишига қарамай, 3 йил ўқишдан умидингизни узмай, охири талаба бўлишлик сизга насиб этганидан мен жуда хурсанд бўлдим. Мен ҳам талабаман ва талабалик-олтин давр эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Айнан талабалик бизга энг бахтли онларни ҳада этиди, айнан талабалик-келажагимиз пойдевори ҳисобланади. Ҳеч иккиланмай айтишим мумкин-ки, сиз билан биз келажақда касб соҳасида жуда ҳам катта ютуқларга эришиш учун имкониятимиз бор, лекин бизни қийнайдиган энг муҳим нарсаси бу бизнинг оилавий ҳаётимиз. Сабаби, ҳар бир аёл киши энг аввало бахтга эришишни хоҳлайди. Бундан келиб чиқадикки, фақатгина ҳар томонлама соғлом инсонларгина бахтли бўлишга ҳақли экан-да. Наҳотки, бизнинг озгина жисмоний заифлигимиз бахтли бўлишимизга тўсқинлик қила олса. Йўқ, асло биз ҳам бахтли бўлишга ҳақлимиз.

Шохиста, биласизми, мен инсонларда, энг аввало, қалб гўзаллигини ардоқлайман. Сиз ёзибсиз-ки, сизни кўп йиллар айнан ҳуснингиз учун севишар экан, ўйлайманки, қалбингиз ҳам гўзал. Ҳаётда севиб-севишлигининг ўзи буюк бахт. Шу боис, Шохиста, сиз сопла-соғ болага тегасизми ёки тенгизми, ундан қатъий назар, агар у билан бахтли бўлишингизга кўзингиз ета олсагина, унга турмушга чиқишга рози бўлинг. Ҳар ҳолда, ҳар томонлама, обдон ўйлаб, бирор-бир қарорга келишга ҳаракат қилинг. Мен сизга фақатгина маслаҳат бера оламан холос, қандай йўл тутишингиз эса ўзингизга боғлиқ холос. Аммо, шунинг унутмангки, ўз бахтингиз, ўз тақдирингиз фақатгина ўзингизнинг қўлингиздадир.

Энг муҳими, ҳеч қачон ўқинманг, атрофга бир назар солинг, ҳаёт гўзал, унинг ҳар бир онидан баҳра олмоқ керак. Ишонинг, барча бахтли дақиқалар ҳали олдинда. Биз албатта бахтли бўламиз, сабаби бизлар бахтли бўлишга ҳақлимиз.

**ФИҲРУЗА**

**Фаргона**

**ОИЛАНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ**

“Бахтимга кўз тегди”—8-сон

Муроджон, сиз халқимизда кўп можазоларга сабаб бўлаётган масалани ўртага ташлагансиз. Ота-она муқаддас, лекин шу билан бирга оила, фарзандлар тақдирини ҳам муқаддас. Сизнинг синглингиз хотинингизнинг укасини, уларнинг оиласини яхши таниган, мулоқотда бўлган, ўзи қарши чиқса бўлар эди-ку. Ёки ота-онангиз сизнинг таъқибингиз остида қиз уза-тишмаган-ку, нега шундай экан бошқаларнинг хатосига сиз, хотинингиз ва жажжи гўдақларингиз жавоб бериши керак экан? Нега бир оила бахтсиз бўлганини кўриб туриб, ота-онангиз бошқа фарзандиниям бахтсиз қилмоқчи? Европаликларда шундай яхши бир ибора бор: “Ҳар бир инсон ўз ҳаёти билан яшаш керак”, деган. Синглингиз озгина қийинчиликка чидаб, ҳар кун можазога оила аъзоларини қўшмай бирор йўл топса бўларди-ку. Икки фарзандли бўлгунча яшапти. Наҳотки шунчалик ёмон бўлса, фарзанд орттириб нима қиларди. Қолаверса, ота-онангиз ўйлашлари керак эди. Сиз ҳамон ўз оилангиздан кўнглингизни узмай тўғри қилгансиз. Озмунча эрақ, аёллар оила, фарзандларидан осонгина воз кечмоқдаларми? Муроджон, сиз ҳеч қандай гуноҳи йўқ аёлингиз, болаларингиз тақдирини олдида жавобгарсиз. Бу дунёда ўлимдан бошқасининг кеч бўлса-да чораси топила-

**ЭСЛАТМА:** Рафикам билан севишиб турмуш қурганмиз. 2 фарзандли бўлдик. Ундан ҳамма миннатдор эди. Тақдир экан, ёлғиз синглимни қайнимга бердиғу, оиламизда тинчлик йўқолди. Синглимнинг оиласи бузилгач, менинг ҳам оилам жар ёқасига келиб қолди.

**МУРОД**

ди. Сиз оилангиз билан бирор хона сотиб олиб, ёки маблағингиз етишмасга ижарада туришингиз мумкин. Муҳими, оилангизни сақлаб қоласиз, фарзандларингиз эса ота меҳрисииз ўсишмайди. Оилангиздагилар эса вақти-соати етиб ҳамма нарсани тушуниб етишади. Халқимиз айтганидек вақт - табиб. Мана, кўрасиз, вақти келиб синглингиз ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади. Сиз бўлса оила, фарзандларингиз тақдирини бефарқ қарамай, уларни бахтли қилганларингиз учун сизни ишингизни Худоийимнинг ўзи осон қилади. Худойим ҳар бандасини ўз паноҳида асраб, тўғри йўл кўрсатсин. Сизга бахт, сабр-қаноат, ота-онангизга узоқ умр тилаб қолувчи опангиз

**МАНЗУРА**

**Навоий шахри**

**ҚАЙНОНА ТЎҒРИ ЙЎЛНИ КЎРСАТСИН**

“Қиз ўзингизники, келин ўғайми?”—33-сон

**ЭСЛАТМА:** Ота-онанинг хоҳиши билан бир қиз, бир ўғилдан иборат оилга келин бўлдим. Қайнонам доим мени турткилайди. Нима қилар азиз, келинлар ўғайми?..

**Тошкентлик Д.**

Ҳар бир қиз бегона оилга борар экан, унга кўникиш анча мураккабдир. Чунки, ҳар бир оиланинг ўзига яраша қонун-қоидалари бўлади. Бу ўринда бош ролда қайнона бўлади. Қайнона ёш навиҳол келинчака яхши муносабатда бўлиши, ўз қизидек қабул қилиши лозим деб ўйлайман. Афсуски, буни акси бўлиб туради. Оллох таоло келинчака сабр бардош, золим, қайсар қайноналарга инсоф, иймон берсин, деймиз. Яхши ниятлар билан бировнинг эшигига 3-4 марта лаб совчи бўлиб боришадди, минглаб пул сарфлаб келинни олиб келишадди, наҳотки уни хўрлаш, камситиш,

куллик учун келин қилса. Мен қайнонамни бошимга кўтарсам бўлар экан. Чунки, 15 йил бўлди, келин бўлиб тушганимга, онамни-отамни уйлари-га бориб келишимга умуман қаршилик қилмаганлар. Аксинча, “Она-ота ганимат, доимо улардан хабардор бўлиб туринлар. Ахир бир парча этни ўстириб, улғайтирган онанинг гуноҳи нима?”, - деб биз келинларга насиҳат берадилар. Онам 1998 йил 27 ноябрда тўсатдан вафот этдилар. Мана, ҳозир меҳрларига зор бўлиб яшаяпмиз. Онамиз ўрнида она бўлаётган ақли, тушунган қайноналаримизнинг умри узоқ бўлсин. Ҳар бир қайнона кизи билан келинни солиштириб, уларга тўғри йўлни кўрсатсин. Инсоф, ақл берсин.

**Марзия ФАТТОВА**

**Бухоро вилояти, Гиждувон тумани**

**ЎТГАН ТУРМУШИМИЗ ҲАҚИДА ЁЗИЛИБДИ-Ю...**

“БАХТИМ УЧУН КЎП КУРАШДИМ, АММО...”—9-сон

Бу дил ихзори чиндан ҳам менинг ва Шаҳзоданинг бир-галикда кечган турмушимиз ҳақида. Лекин... Шаҳзода ҳаётимиздаги баъзи бир воқеаларни бўрттириб ёзибди, баъзи бир воқеалар, кўнгил-хираликларни эса атайлаб эсга олмай ўтибди. Фикримни исботлаш учун куйидаги асосларни (тахририят базиларини қисқартирди) келтираман.

Биз ҳеч қачон бахтли ва аҳил яшамаганмиз. Бунга етарли далил-исботларим бор. Биз нураб бораётган оила пойдеворини фарзанд тиклаб қолар деган ўй-хаёлда болаларни боқиб олдик. Лекин бу ҳам ўртадаги совуқликни енгил, меҳру-муҳаббатни қайтарга олмаган.

1992 йилда уйдан бош олиб чиқиб кетгач, орадан бир йил ўтиб қонуний ажримдан сўнг бувим ва ота-онам оқ фотиҳаси билан улар танлаган қизга уйландим.

Бизнинг Шохруҳ исмли асал дилбандимиз бор. Менинг бугунги кунда эришган бахту-саодатимдан яқинларим манман. Севимли рафикам бир маротаба операция бўлди. Боламнинг онаси доимо хизматимизда сабр-қаноати, севги-вафосини намойиш этди. Турмуш қилишдан олдин ота-онанинг розилигини, оқ фотиҳасини олиш катта давлат эканлигини тушуниб етдим.

Азизлар, Шаҳзоданинг севгисига тўхталас, бу бир пар-

да холос. Пардани кўтарганда унинг ортида нималар борлиги кўринади. Турмушимиз мобайнида унинг шоҳона орзуларини рўёбга чиқара олмаганман, чунки кўлим калталик қиларди. Шундай кунларнинг бирида тақдирнинг ўзи бемъани турмушимизга нуқта қўйди. Вафо билан хиёнатнинг ўртаси бир қадам. Поқдомон ва ҳалол аёл қадамини ўйлаб босади. Бир қадам қалтириб оёқ қўйдими, ўзини тубсиз жарликда кўради. Ўн йил давомида нимаики орттирган бўлсам ҳаммасини иккита бола учун ташлаб, елкамда битта кастюм билан чиқиб кетганман. Болаларнинг нафақасини ўз вақтида тўлаб бораман.

**ШУКУРЛЛО**

**ЭСЛАТМА:** Тасодифий танишув орқали Шукур ака билан турмуш курдик. Оиламизда фарзанд бўлмагани боис эр-хотин маслаҳатлашиб, 2 болани асраб олдик. Қийинчиликлар ортада қолди, деб юрган кунларимнинг бирида эса Шукур ака бизни ташлаб кетди...

**ШАҲЗОДА**

**Тахририятдан:** “Бахтим учун кўп курашдим” дил ихзори чоп этарканмиз, нияти-миз яхшилик эди. Яъни, мактуб асосида турмушдаги қийинчиликлар ўткинчи, сабр-қаноат инсонга йўлдош бўлса, албатта саодатга эришиш мумкин, деган ғоя бор эди.

Лекин... Тахририятимизга ташириф буюрган иккичи томон Шукрулло, ака-укалари, унинг ҳамкасблари бу масалада бутунлай бошқа фикрни баён қилишди. Яна ўша “Бегона оила-қоронғи ўрмон” деган мақол ёдимишга келди. Аслида дунёда қанча ажрасиб кетган эр-хотин бўлса, ҳам-

масида бир сабаб-баҳона бўлади. Икки томоннинг - икки шахнинг - ҳар бирининг ўз-ўзини оқловчи, қарши томонни қораловчи далил-исботлари бўлади. “Қарс икки қўлдан чиқади”, - дейишади. “Ажралши куйи” ҳар икки томон иштирокида маълағи оширилади. Инсонда хотира деган туйғу бор. Ўтган кунларимизга назар соларканмиз, ундан фақат сабоқ олайлик. Яхшиликни кўзлайлик. Севимли газетангиз — “Оила ва жамият” нинг ҳам ният-мақсади ҳаммаша шундан иборат.

**Кизимиз НАСИБА!**



Сени 1 апрел таваққул қилиш билан табриклаймиз. Хайида ҳаминча омад ёр бўлсин.

**Ота-онанг ва укаларинг**

**Азиз адажонимиз Абдуразоқ АБДУРАҲМОНОВ!**



Сизнинг таваққул айёмингизнинг муборак 60 йиллиги ила ёни дилдан кутлаб, Оллоҳдан соғлиқ, узок умр, шинингизда омадлар тилаймиз! Роҳатингизни кўриб, аяжонимиз билан кўна қаринлар.

**Фарзандларингиз Абдурахим, Абдумалик, Абдураим**

**Хурматли онажонимиз Бурхоной БОЗОРОВА!**



Сизни тузилган кунингиз билан ёни дилдан кутлабимиз! Бахтимизда доимо соғ бўлиб, роҳатингизни кўриб юрини.

**Оила аъзоларингиз номидан ўғилларингиз Гайрат ва Ғофур**

**Меҳрибон онажонимиз ТУРСУНОЙ!**



Тайғамбар ёнигиз табриклаймиз. Бахтимизда соғ-омон бўлинг!

**Кизингиз Манзура, набираларингиз Мадинабону ва Азизжон**

**Хурматли дугонамиз ГУЛСАРА!**



Ёни сизни тузилган кунингиз билан ёни поракдан табриклаймиз. Сизга бахт ва соғлиқ тилаймиз.

**Шахрисабз Э/Т идораси ходимлари: Барно, Гулчеҳра, Элсара, Нигора, Феруза, Нилуфар**

**ЎЗИМГА ЛОЙИҚ ЙИГИТ БУЛСА...**

Ёшим 23 да. Турмушга чиқмаганман. Атрофдагилар "ўтириб" қолган қизлар сафига қўшиб қўйганларини ҳатто сезмай қолибман. Менга яқинда "уйланиб ажралган" йигитни тавсия қилишганида, тўғрироғи юрагим қонга тўлиб кетди.

Мактаб даврида севги изҳор қилган йигитларга, синфдошларимга: "Аввал ўқишингни эпла", - деб жеркиб берардим, негаки синфдаги энг аълочи қизлардан эдим. Фақат ўқишни ўйлаб, **КАЙДА ҲАМ ҲАМ** жиборица ўқув юртини **КАЙДА ҲАМ ҲАМ** мени тушуҳам тамомладим. Ҳозир бир ташиқлотда ишляялман. Иш жойимдан нолимайман, ҳаммаси мени хурмат қилади. Аммо вақтингиз тез ўтишини сезмай қолган эканман. Синфдош қизлар ўртасида ҳам бир мен турмушга чиқмаган эканман. Яқинларим узок оғайнимиз бўлган ўша йигитни "жуда яхши йи-

**Кизимиз НИЛУФАРХОН!**

Таваққул топан кунингиз билан табриклаймиз. Сени соғлиқ ва бахт тилаймиз.

**Шомишевлар оиласи. Нурота шаҳри**

**Кизим ГУЛҲАЁН!**

Сени муборак 6 баҳорингиз билан табриклайман. Қалбимда аяжойиб нисон бўлиб волига өтсин. Соғ-саломат бўлинг.

**Дадажонинг Дилшод Қўлдошев**

**Хурматли Зиёдулла ҲАСАНОВ!**

Сизни Таваққул байрамчи таваққул кунингиз ила ёни дилдан табриклайман. Шинингизда омадлар тилайман.

**Дўстингиз Мавлуда**

**Хурматли Саврон ИСКАНДАРОВ!**



Сизни муборак 60 йилнингиз билан кутлабимиз. Қиллоқингиздаги Хайи, бизнидек пок умрингиз узок бўлсин. Фарзандларингизни бахти, шинингизни узун соғ бўлинг.

**Оила аъзоларингиз номидан Норбиш ая, Илҳомжон, Улуғбек Уҳум қишлоғи**

**ОИЛА - 10**

Ёши 38 да. Тошкентлик. Фарзандсизлиги сабабли турмушдан ажралган аёл, 40-50 ёшгача бўлган тошкентлик эркак билан танишиб, болаларига оналик қилиш истагида.

**ОИЛА - 11**

26 ёшли ажралган, тошкентлик, уй-жойли боғбон йигит, оқила, меҳрибон, хушмуомала аёл билан танишиш истагида.

**ХУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ**

Мен Тошкент шаҳрида тураман. Қўшни республикадан уйланганман. Хотиним ҳомилидорлик пайти онасиникига бориб қолганда фарзандимиз туғилди. Уни гувоҳномасини ҳам ўша республикадан олганман. Тошкентга олиб келиб уни ўзим турадиган жойга рўйхатдан (пропискага) ўтказмаганман. Мана, бир ярим йилдан буён болага бериладиган нафакани оломаймиз. Ҳозир уни рўйхатга қўйсам, ўтиб кетган ойлари учун (1,5 йиллик) болага бериладиган нафакани олишга ҳақким борми?

**Санжар ЖўРАЕВ**

**Тошкент шаҳри**

Хурматли Санжар Жўраев! Сиз яшаб турган туман ИИБ паспорт бўлимига мурожаат қилиб хотинингизни 6 ойгача муддатга рўйхатдан ўтказиб, кейин уни 5 йил муддатга доимий рўйхатдан ўтказишингиз мумкин эди, лекин сиз мана 1,5 (бир ярим) йил мобайнида хотинингизни ҳам, фарзандингизни ҳам рўйхатдан ўтказмагансиз. Сиз фарзандингизни уйингизга рўйхатдан (пропискага) ўтказишингиз шарт ва ундан кейингина нафақа олишингиз мумкин. Шунинг учун ҳозир сизни нафақа олишга ҳаққингиз йўқ.

**С. ТИЛЛАҲУЖАЕВ, адвокат**

**ШОГИРДЛАР ОЛАМАН:**

1. Тикувчилик - ҳозирги замонавий усулда.
2. Зардўзлик хунари - энг сифатли ва мукамал усулда.
3. Бисерли, мунчоқли қўйлақлар - Араб ва Покистон услубида.
4. Машинада гул тикиш.
5. Инглиз тили.
6. Торт, печенье пишириш.

Буюртмалар оламан - зарли келин сарполари, тантана учун кийиладиган бисерли қўйлақларга.

**Мурожаат учун манзил: Чорсу, автобус - 91. Бекат: "Бир зумда" кафеси, 16 уй, 8-хона.**

**Тел: 49-02-88**

**"БЕГОЙИМ - СЕРВИС"**

**Азиз аёлларни ўқишга таклиф қилади:**

1. Массаж.
2. Замонавий урфдаги пардалар тикиш.
3. Инглиз тили.
4. Сартарошлик.
5. Ҳамширалик.
6. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
7. Компьютер.
8. Торт, салатлар тайёрлаш.
9. Косметология.

**Тел: 41-16-63**



**МАНЗИЛ:** Тошкент ш. Ўрда бекати, Анҳор бўйи кўчаси 6-уй. (Вилоятлардан келганларга ётоқхона берилди.) Ўқишни тугатганларга диплом берилади.

**"КАМОЛОТ-КОМПЬУТЕР" БИЗНЕС МАКТАБИ**

Қуйидаги ўқув курсларга таклиф қилади.

**Уч ойлик курсларга:**

Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); Болалар учун инглиз тили; Компьютер билимлари; Банк иши ва компьютер.

**Икки ойлик курсларга:**

Замонавий бухгалтер ҳисоби; Банк иши; Компьютер таълими билан таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари.

**Бир ойлик курсларга:**

1С: Бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими; INTERNETGA ўқитиш.

**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзил:** Тошкент. Навоий кўчаси-11, 39-хона. ("Қамолот" республика ёшлар жағмармаси биноси).

**Тел: 41-59-74; 58-48-50**

**"ДИЛОРОМ"**

**Ўқув маркази таклиф этади:**

**2 ойлик:**

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухорча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

**Манзил:** Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона.

**Тел: 144-03-25; 125-19-15. Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати**

**ОТАМНИНГ УМРИ УЗОҚ БЎЛДИ**

Ёшлигимда ота-онанимнинг рухсати билан бир дўстимнинг уйда ётиб қолдим. Ўзга жой эмасми, анчагача бедор ётдим. Тонга яқин ухлаб қолган эканман. Шу орада бир туш кўрибманки, асти қўяверинг. Буни қарангки, тушимда отам ўлиб қолган экан.

Барча қариндош-уруғлар роса йиғладик. Покчилар отамни сувдан чиқаргач, ҳовлиминини ўртасига қўйиб таъзиясини ҳам ўқидилар. Яхшиямки, отамнинг ҳеч кимдан қарз-қаволаси йўқ экан. Шундан сўнг имом отам ётган тобутни кўтаришга рухсат берди. Тобут ердан кўтарила бошлаши билан хотин-қизларнинг қий-чуви бошланди. Эркаклар эса отам ётган тобутни кўтариб, мазор томон йўлга равона бўлдлар.

Отамнинг қариндош-уруғлари олинда, ҳар бирусини қўлида ҳасса. Катта йўл билан мазорга ҳам етиб бордик. Ирим-сиримни қилиб, борса кайтмас Ватани бўлган ул дунёни эшигидан киритиб, жойлаштириб қидилар. Имом отамнинг руҳига Қурьон тиловат қилиб бўлгач, мен одамларга қарата: "Халойик! Отам қандай одам эди?", - деб уч марта сўраганимда ҳам,

қўпчилик: "Худо раҳмати эди", - деб жавоб берди.

Қабристондан уйга қайтишимиз билан ёлғизгина синглимиз Гулчеҳраҳон: "Вой дод, отамни қаерга ташлаб қайтингизлар, вой д-о-д", - деб бўйнимга ёпишиб олди.

Менинг ҳам кўнглим тўлиб кетиб: "Мен нима қилай, синглим, иложим қанча, умри қисқа экан-да", - деб биргалашиб йиғлайверибман. Мозор бошидан қайтган имом тиловат тушироқчи бўлиб: "Йигини бас қилинглар", - деган экан, биз ўзимиз билан ўзимиз бўлиб эшитмай қолибмиз.

Бир вақт акам келиб, "бас қил деялман", - деб бир бақирган эди, ўзи отамни йўқотиб, алам қилиб турган вақтимга тўғри келиб қолганиданми, акамга қараб "Сиз нимага йиғламайсиз", - деб акамни кучоқлаб бақириб йиғлайвердим. Қарасам, акам ҳамон йиғламаяпти. Мен эса акамни "йиғлайсизми-йўқми?" деб бир-икки силтаган эдим, "қўйвор!" деган товуш мени уйғотиб юборди. Кўзимни очиб қарасам, тушим экан. Бундай ўзимга қарасам, йиғлайвериб, шишиб кетибман. Кейин билишимча, акамни силтайман деб, ёним-

даги дўстимни ушлаб силтаган эканман. Биз уйгонган вақтда қуёш кўтарилиб, тушлик вақти бўлай деб қолган эди. Югуриб уйга келсам, отам ҳовлимизда тоқларни хомтоқ қилиб юрган экан.

Отамни кўриб қувонганимдан юғуриб бориб, ёпишиб йиғлаб юборганимни сезмай қолибман. Отам эса, менадан "нимага йиғлайсан?", - деб сабабини сўрай бошладилар. Мен ҳам оқизмай-томизмай кўрган тушимни ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб бердим. Шунда отам: "Жуда яхши туш кўрибсан, болам! Умрим узок бўлар экан", - дедилам.

Ўзимга ҳам бирозгина ноқулай бўлиб қолди. Чунки, ҳовлимиздаги мен боқиб юрган мол-қўйлар оч қолишиб бақиравериб, отамнинг қулоқ-миясини қоқиб қўлига берган экан. Отамнинг: "Эртароқ туриб келаверса бўлмасмиди", деб мени тўғримда баъзи-бир хаёлларга бориб қайғуриши, айнан мен туш кўриб ётган вақтимга тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам шу тушимдан сўнг, отам ўттиз олти йил яшаб, саксон олти ёшда бандаликини бажо келтирдилар. Илоё жойлари жаннатдан бўлиб, охирати обод бўлсин.

Унутиб бўлмайдиган тушни ҳеч ким, ҳеч қачон унутолмас экан. Тушингизда кўрган воқеанинг аниқ бўладиган кунини билмайсиз, тушингиз шуниси ёмон, холос. Сирли жумбоқ сирли бўлиб қолаверади. Не бўлса ҳам яхшиликка бўлсин, деб қўяверинг. Яхши ният албатта яхши-да. Кўрган тушимдан шундай хулоса чиқариб айтмоқчи-ман-ки, қимда-ким тушида, ўзининг энг яқин кишиларидан биронтасини ўлиб қолганини кўрса, албатта бу ўлган кишини умри узок бўлишидан хабар берувчи бир оғохлантиришдир.

Лекин, бунақанги воқеа бир-бирига ихлоси балеанд кишиларнинг тушларига кирар экан. Энг яхшиси, яхши туш кўрдим деб суюнманг, ёмон туш кўрдим деб қуйинманг. Чунки, натижаси бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолиши ҳам мумкин. Ягона бир тилагим шуки, кўрган тушимиз ҳар доим яхшиликка бўлсин. Ёмонлик томонини Аллоҳни ўзи асрасин.

**Каримжон ТОЖИЕВ**

**Сирдарё вилояти, Бойвот тумани**

## ИНСОН ЭСА ҲАМИША БИР ҲИСГА АСИР ЭКАН...

Бу ҳақда бир неча маротаба ёзмоқчи бўлдим. Бироқ қўлга қалам олишга юрак деб бермасди. Бугун яна хотиралар ўз домига тортди. Толиқиб турган бир ҳолимда муҳаббат деб аталмиш олий неъматдан руҳимга таскин, вужудимга қувват изладим. Умр оқар дарё экан. Унгу-сўлга қарашга улмадим. Сочимга қиров кўнибди. Юрак эса ўша-ўша. Ёниб яшагача чорлайди. Бугун озми-кўпми ҳаётни ўргандим, ўз ўрнимни топдим десам ҳам бўлаверади. Таниш-билишлар, самимий хурматга эга бўлдим. Бироқ... Бироқ бугун Сен қаёда эканлигингни билмайман. Орадан чорак асрдан зиёд вақт ўтди. Бир шаҳарда яшаймиш. Лекин шунча йил давомида учратмадим. Балки бу шаҳардан кетиб ҳам қолгандирсан. Хар нима бўлганда ҳам Сени хар кун кўришни истардим, хар бир одамдан Сенинг фазилатларингни қидирдим.

Эсингдами, тайёрлов курсининг 409-хонаси. Маъшулот бошланганча йўқ. Домла кечиккан эди. Сенинг қўлингга шеър дафтаримни кўриб қолдим. Сен шеърларимни ярим ҳазил, ярим масхара томуз ўқир эдинг. Жаҳл билан дафтаримни қўлингдан тортиб олдим. Бир қанча вақт Сен билан талашмай юрдим. Шундан менга атаб шеър битган эдинг. Бу менга қизлар битган илк шеър эди. Шу кундан эътиборан Сени кузатишни ёқтириб қолдим. Сен ҳақингда уйда ҳам, йўлда ҳам, кундузи ҳам, тунда ҳам ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Кунлардан бир кун маъшулотдан сўнг Сени кузатиб қўйишга ихозат сўрадим. Сен билан жимжит кўчада кулишиб, анча жойқача бордик. Бир жойда қрандан шариллаб сув оқиб турган экан. Аввалига ўзинг тўйиб ичдинг, сўнгра... Сўнгра менга ҳам қўлингга олиб ичирдинг. Эҳ, бу сувнинг тотли мазасини ҳали ҳам унутганим йўқ. Мен ўша кунни гўё жаннат боғларида кезиб, ҳавзи қавсар сувидан бахраман бўлгандек эдим. Ўша кундан бошлаб юрагимда кучли бир вулкан, яшагача бўлган беқийс иштиёқ жойлашиб олди. Энди тинч яшай-олмасдим. Сенга атаб тўхтовсиз шеърлар бита бошладим:

**Тиник кўзларингга тикилсам магар  
Косингни чимириб, қиласан ишва.  
Бу кўзлар мен учун чашмаи қавсар  
Мен бу кун чанқоқман, Сен дейсан: Ичма!  
Тиник кўзларингга тикилсам магар  
Уялиб юзингни бурасан четга.  
Ҳам дейсан: Кифоя, ташлама назар  
Мен рози бўлолман бундайин чегга.**

Ха, қаёққа қарасам ҳам, фақат сенинг тиник кўзларингни кўрадим. Олий ўқув юртига бир куллиётга ўқишга кирдик. О, бу кун биздан бахтли кимсалар йўқ эди. Қувонганимиздан хушхабарни юғимиздагиларга ҳам айтмай шарҳларга энг сўлим боғи айлангани кетдик. Биз оқиб турган сувга махли бўлиб, мажнунтолға суянганча бир-бирлигимизга шеърлар айтар эдик. Мана қанча суварқиб ўтди. Юракдаги шеър завқи эса ўша-ўша. Фақат сен ёнимда эмассан.

Эсингдами, биз муҳаббатимизни жуда ҳам авайлар эдик, ахтиёт қилар эдик. Куллиётда ўқиш бошлангач, бир-биримизни ёқтиришимизни ҳеч ким билмасин, ҳатто дарсдан кейин кузатиб ҳам ўймайсиз, деган эдинг. Сен муҳаббатимизни бе-она кўзлардан асраган эдинг. Кунлардан бирида дарсдан чиқиб келаётсан отанг пастда пойлаб турган эканлар. Дорилфунун ошхонасига кирдик. Шунда отанг: "Шариат бўйича йигитнинг қўли теккан ҳолни қирқилиши керак бўлади, тагин қизимнинг биллагини қирқилганга тўғри келиб қолмасин", - дея мени оғохлантирдилар. Холбуки бизнинг муҳаббатимиз шундай раво кўрса, шундай масъума эдикки, унга гардни ҳам поклашардик.

Сенинг ҳақингда онамга айтдим ва Сен билан учраштириш учун пахта тергани Сирдарё виллоятга кетаётган пайтимизда онамни кузатишга олиб келдим. Негадир онам: "Бу қиз Сенга тўғри келмайди, ёши бравар экан", - дея баҳона қилдирилди. Юрагимнинг бир четида Сендан ажраб қолиш ҳавфи пайдо бўлди. Узимни айрилиққа қўнқитириш учун Сен билан хафталаб учрашмай юрдим. Шунда мен ҳижронинг таъминини ҳис қилиб, ширин азобини бошимдан кечира бошладим. Эҳ, қандай ажойиб боқира кунлар эди-я. Юракда муҳаббат уммони. Мияда келажакнинг порлоқ режалари. Олдимизда бахт деб аталмиш кенг, фаровон йўл турар эди.

Ҳар йили октябр ойда пахта теримига Сир-

дарё виллоятга чиқиб кетар эдик. Ҳамнинг бизга ҳаваси келар эди. Ёнма-ён эгатга тушиб, ҳақиқатан меҳнат симфониясини қуйлар эдик. Ишлаб чарчамас эдик. Гўёки эгатларга сочилган меҳр-муҳаббатимизни, бахту-саодатимизни биргалликда терар эдик. Кечкурунлари гулхан атрофида, курсдошларнинг туғилган кунлари баҳонасида шеърхонлик авжига чқар эди.

Ҳамма махлиё бўлиб қолар эди. Шеър айтаётган пайтингда юзингда гулхандаги олов рақси жилва қилиб, акс этарди. Гўзалим, бору-жаҳоним ўзинг эдинг.

Йиллар ўтди. Юқори, битирувчи курсга ҳам қадам қўйдик. Соҳаларимиз турли бўлганиги учун дарсларни алоҳида ўтар эдик. Бироқ барча имтиҳонларни топширишда йўлақда, Сенга омад тилаб турар эдим. Шунда домлалардан бири: "Ука, тинчликми,

бунчалик бир-бирларингга ёпишиб қолмасанлар. Муҳаббатга бунчалик ихлос қўйиш ярамайди", - дея насихат қилди. Биз ўшанда муҳаббатга, муҳаббат орқали ҳамма нарсага ихлос билан ёндошардик. Алдовни, ёлгонни ёмон кўрардик. Фирибгар Яголар асарларда, сахнада бўлади деб ўйлардик. Ҳаётда фақат ахшилик, сеғги, муҳаббат қонунлари амал қилади деб ўйлардик.

Шунча дашномлар, таъналар ичида бировни ҳайратлангани (пок сеғига доим ҳайратлангани), бировни ҳавасланттириб

(ҳавас қиладиганлар ҳам кўп эди) сўнги-битирувчи курсга ҳам биргалликда етиб келдик. Ўшанда, эсингдами, онам оғам билан биргалликда дорилфунунга келиб, сени ахтариб топиб: "Уғлим Сенга уйланмайди, кутиб ўтирма, умринг ўтиб кетади", - деб айтиб кетган, диллариниз қанча вайрон бўлган эди. Муҳаббатимиз осмонидagi булутдан дўл ёға бошлади. Яқка ўғил эдим. Онам 40 ёшида мени тўққан эканлар. Қўйинчилики, етишмовчилик билан яшаб, ўқиб вояга етганимда мен ёқтирган қиз негадир онамга ёқмади ва онам келажакимиз учун ўз "фотиха"сини берган эдилар. Уйланганимда ҳам Сенга оиламизда тинчлик бўлмаслиги маълум бўлиб қолган эди. Шунда Сен муаммонинг осон ва ўзинг учун қулай ечимини топдинг: бошгага турмушга чиқиб кетдинг. Мен тан ҳолатда, қарахт ҳолатда муҳаббатимни қалбимни энг тубига, ичкарисига кўмганча, кўзда ёшим билан танҳо қолдим.

Нима бўлибди-ю сен эрингни қақришда ҳатолликка йўл қўйибсан: менинг исмин билан қақрибсан. Ойлангда тўпалон бошланган, мени суриштирган. Кўчада кетаётсам, не кўз билан кўрайки йўлақдан орқамда юк машинаси келаяпти. Узини аранг четга олиб қолдим. Хайдовчи сенинг эринг экан. У менга Сени бошқа севмаслиққа, сени юрагимдан чиқариб ташлашга ундаб, роса бўралатиб сўқди. Мен ўзим қийналганимга яраша Сени бахтли бўласан деб ўйлаган эдим. Холбуки пок муҳаббатимиз оиланггаги тинчликни вайрон қилганиги мен учун яна бир мусибат эди. Бундан бироз кейин эринг сени уриб, ҳаммаёғингни кўкартириб, дорилфунунга бирга келиб, мени топишни буюрибди. Мен дорилфунунда йўқ эдим. Юрагим гаш бўлди. Сенга ёрдам бера олмас эдим, балки борлигим, ҳаётлигим сенга зарар эди. Мен қаттиқ қарахт бўлиб қолдим. Қўлгу ҳақида гап йўқ. Кўзларимдан ғам, ҳижрон ва қайғу ўрин олган эди. Шу аҳволда мен яна икки йилни ўтказдим ва оилали бўлдим. Бундан сўнг яна қанча қийинчиликлар қисматим бўлди. Бироқ шу йиллар ичида Сени бошқа кўрмадим, ҳолингни сўрамадим. Ҳеч бўлмаса узокдан кўрсам ҳам майли эди. Орадан йиллар ўтди. Сендан эса дарак йўқ. Қаерда бўлсанг ҳам соғ бўл. Бошингга тушган оғир кунлар учун муҳаббатимизни қарғама. Ҳаётимизни чигал бўлиб кетишида унинг айби йўқ. Уни тушунмаганлар, юракларидан кесак каби учун чикмайдиганларда айб. Фарзандларингнинг муҳаббатига тўсқинлик қилма. Пок одамларгагина бу туйғу насиб этади. Бизлар самимий эдик. Бизлар пок эдик. Шоир айтгандек:

**Дунё ўзи шундайин, илгаб бўлмас сир экан,  
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуқсиз қаср экан,  
Инсон эса ҳаммиша бир ҳисга асир экан.  
Нечун билмовдим аввал биринчи муҳаббатим,  
Парво қилмовдим аввал биринчи муҳаббатим.**

Мен шунча йиллар давомида муҳаббат деб аталмиш ажойиб туйғу, ажойиб ҳисга асир бўлиб келдим. Илоҳим юрагимдаги ушбу ҳисни сўндирма-син. Шунда ҳаётда бежиз умр кечирмаган бўлаимиз.

ҲАМДАМ ТҮЙЧИЕВ

Мен ўзим ҳақимда эмас, балки дугонанинг ҳаётини сизларга сўзлаб бермоқчиман.

Гулнозанинг турмушга чиққанига яқинда беш ой бўлади. У ота-онасининг раёйига кўра турмушга чиққан, эри Дилшод билан тўйдан олдин атиги уч марта учрашган. Шундан кейин бир ой ичида уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўйга бошқа дугоналарим катори мен ҳам бордим: уларнинг тўйлари жуда ҳам чиройли, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган даражада ўтди. Тўй кунини ҳамма келин-куёвга бир олам эзгу тилак билдирди. Ўша кунни аниқ эслаيمان: барча хурсанд эдию, негадир куёв боланинг шашти пастроқ, комух қўрниарди. Бу ҳолга аҳамият бериб, бир нарсани сезгандай сергак тортдим, лекин дугонам Гулнозага билдирмадим.

Орадан кунлар ўтди. Барча расм-русумлар бўлиб ўтгач, Гулноза қизлик уйига меҳмонга келди. Дугоналар жам бўлишиб, уни кўргани бордик. Қизлар келинлик даврида баҳор гулларидек гўзал бўлиб очилишади. Мен ҳам дугонамни худди ана шундай гўзал қиёфада тасаввур қилдим. Меҳмондорчиликка бордик, Гулноза билан анча гаплашиб ўтирдик. У билан болалигимдан дўст эдим, шунинг учун характерини яхши билардим. Унинг нимадандир сикилаётганини, негадир ҳаёлпараст бўлиб қолганини сездим. Иккамиз ёлғиз қолган, у "ёрилди". Дилшод нимагадир унга умуман қарамасмиш, гаплашмас эмиш, фақат саломига алик олиб, уйга киргач эса тескари ўгирилиб ётармиш. Унинг гапини эшитиб хайрон қолдим. Унга нима дейишни билмасдим. Шу кунни у билан эзгин хайрлашдик.

Орадан бир ой ўтди. Гулноза яна уйига меҳмонга келди. Мени ҳам таклиф қилди. Боргач, Гулнозадан ҳол-аҳвол сўрадим. У дастлаб "ҳаммаси яхши", - дедию, сўнг ўзини

## ДУГОНАНИНГ АЙБИ НИМА?

тутолмай йиғлаб юборди. Ҳалиям шундай яшаётганини, кимдан кўмак сўрашни билмаётганини айтиб, мендан маслаҳат сўради. Унга нима деб маслаҳат беришимни билмасдим. У ота-онамга айтсамми, деди, мен билшимча, айтолмаган.

Шу билан орадан кунлар ўтди. Ҳаётим байрами арафасида дугоналарим билан Гулнозаларникига меҳмонга бордик. Бизни кўриб унинг боши кўкка етди. Гулнозанинг озиб кетганини кўриб, унга жудаман ачиниб кетдим. Ўртамадиларди сўхбатдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Дугоналаримнинг олдида эса биз бу ҳақда гаплаша олмасдик. Байрамдан сўнг у турмуш ўртоғи билан уйларига меҳмонга келишди. Мен уни йўлда кўриб қолдим. У менга ҳалиям шу тарзда ҳаёт кечираётганини, ўзи ҳам бунга кўникиб қолганини айтди. Мен унга "ота-онамга маслаҳат солсанг, тузук бўлармиди", - дедим. Дугонам эса "Ота-онамни ранжитишни, ортиқча гап-сўз бўлишни хоҳламайман", - деди. Нима қилишни билмаётганини, ҳаётининг энг чиройли дамлари сувдек ўтиб кетаётганини айтдию, миждаларида ёш қалқди...

Мен унинг изтиробларига тоқат қилолмадим. Суриштириб билсам, унинг турмуш ўртоғи-Дилшод бир дугонамизнинг хияни билан икки йилдан буюн севишиб юраркан. Қизнинг уйига совчи юборганида унинг қўйдигадилар: "У бола бизнинг тенгизми эмас. Унга берадиган қизимиз йўқ", - деб рад жавобини беришган экан. Қиз ўзига тўқ оиланинг фарзанди эди. Шундан кейин Дилшод ҳам ота-онасининг гапи билан пешонаси шўр дугонамга уйланган. Бироқ ҳалиям кўнгли у қизда, қиз ҳам йигитнинг уйланганини билса-да, у билан гаплашиб юрганмиш. Бу воқеани эшитишдан, ҳеч қачон бир юракка икки муҳаббат сифмаслигини англадим. Гулнозага раҳим қилдим. Унинг бу гаплардан хабари йўқ, мен эса унга қайси тил билан айтишни билмай қолдим. Унинг кундан-кунга озиб-тўзиб кетаётганини кўриб, дилим огрийди. Унинг бошидан ўтаётган воқеалардан ўзимча шундай ҳулосага келдим: барибир турмуш қуришдан олдин икки-уч марта учрашувнинг ўзи кифоя қилмас экан. Ахир одамни икки-уч марта кўриб, унинг дилини билиш қийинку. Тўғри, ота-она фарзандига ёмонлик тиламайди. Масалан, дугонанинг ҳам ота-онаси қизига ҳеч ҳам ёмонликни раво қўришмаган. Шундай бўлса-да, дугонанинг бошига тушган жафолардан улар бехабар, демек куёв томонни ҳам тўйдан олдин суриштириш, қолаверса икки ёшнинг ҳам кўнглини билиш маъқулми... Дугонам мендан маслаҳат сўрайди, мен эса турмушга чиқмаганим учун унга нима дейишни билмайман.

Азизлар, Гулноза нима қилсин: ажрашиб кетсинми ёки эрининг у қизни унуттишини кутиб юраверсинми? Қолаверса, унинг хотини бўла туриб, бошқа қиз билан учрашиб юришига сизлар қандай муносабат билдирасизлар? Мен-чи, дугонамга бор гапни айтмайми? Лекин мен дугонамнинг бу гапларни эшитиб баттар сикилишини истамайман. Мен ўша, икки ёшнинг турмушга совуқчилик тушираётган қизга хайрон қоламан. Унинг бунга қандай ҳадди сифаётганини тушунолмайман... Наҳотки, бировнинг бахтига чанг солишдан уялмайди...

Ахир дугонанинг айби нима?

Тошкент шаҳри,  
Собир Раҳимов тумани

НАЗОКАТ

